

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР  
ФАНЛАР**

**2**

**ISSN 2181-7286**

# **Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар.**

**2**

**ISSN 2181-7286**

**Тошкент – 2019**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР  
ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ  
ЖУРНАЛ**

ISSN 2181-7286

2019 №2

Апрель-июнь

Илмий-методологик ва иломий-  
услубий журнал 2002 йилдан бошлаб  
чика бошлаган, иилига 4 марта чоп  
этилади

**Таъсисчи:**  
**И.КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Бош мухаррир**  
и.ф.д., проф. А.Қодиров  
**Бош мухаррир ўринбосари**  
доц. А.Мирзаев  
**Масъул котиб**  
доц.М.И.Сайдкаримова

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Проф. С. М. Турабджанов (рас), проф.  
О.О.Зарипов, проф. Т.М.Ахмедов, проф.  
Н.Ф.Зикриллаев, д.т.н. Курбонов М.Ш.

**Таҳрир ҳайъати:**  
Проф. Х.П.Абулкосимов, проф.  
М.Л.Турсунходжаев, проф. А.А.Хошимов,  
проф. Т.М.Ахмедов, проф. Б.А.Хасанова,  
проф. А.И.Архипов, проф. И.Эргашев, проф. С.  
Отамуродов, проф. Н.Жўраев, проф.  
Р.Самаров, проф. М.Миркосимова, проф.  
Б.С.Сиддиков, проф. У.Махкамов, проф.  
Ф.Б.Шоумаров, проф. М.Бекмуродов, проф.  
З.Қодирова, с.ф.д.,проф.Пахрутдинов Ш.И.

**Таҳририят манзили:**  
100095, Тошкент – 95, Университет  
кӯчаси, 2, тел:246-53-16, www.tdtu.uz E-mail:  
Ijtimoiy-fanlar@rambler.ru

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан рўйхатга олинган,  
2007 йил 22 январь, № 0205 сонли  
гувоннома.

ISSN 2181-7286. Иктисол бўлими ОАК  
рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика  
ва психология бўлими 2019 йил 25 июндан  
киритилган

Журналда маълумотлар босилгандан  
далиллар кўрсатилиши шарт. Журналда  
чоп этилган маълумот ва келтирилган  
далилларнинг аниқлиги учун муаллиф  
жавобгардир.

© «Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар». №2, 2019

МУНДАРИЖА	
ИКТИСОД	
Мирзамахмудова М.О. Ахолининг ижтимоий-иктисолий холатини яхшилашда жаҳон банки гурухининг роли.....	6
Усманова Р.М., Оибаши Л.Р. Глобаллашув жараён ва уларнинг олий таълим соҳасида иктисолий муносабатларни ривожлантиришга тасири.....	13
Қодиров А. Ишлаб чикаринг муносабатларнинг назарий жihatлari.....	19
Рузиева Д.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик .....	28
Режапов Х.Х. Олий таълим хизматларини истикболлаштириш йўналишлари.....	36
Очилов Ж.Ж. Тадбиркорлик иктисолий фаолиятининг маҳсус шакли.....	42
Тўрабекова Г.И. Инсон капиталини тақорор ишлаб чикариш хусусиятлари.....	50
Боймизраев Б.Ж. Инновацион инвестицияларнишинг назарий асослари.....	57
Исломова Д. Таълим сифатини ошириш иктисолий ривожланишнинг асосидир.....	68
Джуракулов Ш.Д. Реклама фаолиятини тартибга солишнинг асосий йўналишлари.....	74
Бердимуродов У.С. Мехнат ресурслари бандлигини таъминлаш.....	83
Даминов О.О., Ҳакимов Ж.О., Мирзабуллаев Ж.Б. Водород ИҶД ёниглиси сифатида кўлланиши истикблони техникавий-иктисолий асослаш.....	94
Хамраев О.Я. Инновацион ривожланишда давлат секторининг роли.....	101
Муфтайдинов К. Мехнат ресурсларни бошқариш.....	108
Мўйдинов Х.А. Оила хўжалиги тадбиркорлик хўжалигими?.....	115
Туребеков А. Декон хўжаликларида ишлаб чикариш самарадорлигининг иктисолий кўрсаткичлари.....	124
Сангирова У.Р. Ўзбекистонда балик хўжалигини самарадорлигини ривожлантириш.....	131
Зоҳидова Ш.Ш. Олий-таълим муассалалри молиявий – иктисолий ривожланишининг сценарийлари.....	137
Валиев Б.Б. Минтақавий иктисолий муносабатлар тизимида инвестиция салоҳиятнинг ўриши.....	145
Нигматова Д.З., Элов Да., Абдухаликова Н. Агросаноат ишлаб чикаришини ҳудудий ривожланиши стратегияси.....	156
Санткамолов М.С. Темир йўл тизимида инновацион-инвестицион фоалият самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаси.....	165
Митрушова М.Л. Интеллектуал капитал – инновацион ривожланишишнинг асоси.....	169
Киличев Т.В. Иктисолий баркарорликни ривожланиш стратегияси.....	173
Олимжонова Ш.О., Ализова С.Х. Тадбиркорлик фаолиятининг иктисолий натижалари ва уни ривожланишиш истикблолари.....	182
Тараҳтиева Г.К. Ўзбекистон нефть-газ секторини инновацион ривожланишишнинг асосий муммомлари.....	190
Эшбоев А.Х. Таълим тизимининг малакали ишчи кучини тақорор ишлаб чикаришдаги роли.....	195
Абдуслидов А.А. Иш билан бандлик нодавлат тузилмалари фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари.....	204
Ниязов М., Баратова З. Туризм иктисолидётнинг мухим тармоли сифатида.....	209
ПЕДАГОГИКА	
Ёрматова Т. Фуқаролик маданиятини шакллантириш моҳияти.....	214
Хайтов У. Бошқарув карорлари кабул килиш жараён ва уни моделлаштиришининг айrim хусусиятлари.....	218
Усмонова О. Нуткнинг тўғрилиги – унинг боз алоказий сифати .....	224
Дўсанов Р. Бир актёр театри ҳақида.....	230
Мамиров М. Мумтоз кўшикличиларга ижромаданиятини ўстириш йўллари.....	235
Манинов С.Ш. Замонавий пантомима театри.....	240
Муратова Г.Р. Ўзбекистонда адаптив жисмоний тарбиянинг таълим функциялари.....	244
Тошибулатов Ф. Махсус тиббий гурух талабаларнинг гавда тузилиши холати ва жисмоний тайёрларигининг ўзига хос хусусиятлари.....	251
Файзинева О.Л. Жойидан турib узунилка сакраш машки орқали баландликка сакровчи спортилар спорт натижасини ошириш методикаси.....	256
Шерматов Г.К. Узоқ масофапга ютурувчиларни жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёрларигини шаклланиш динамикаси.....	262

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 1-илова, 3.2-банд.
2. Батра Р., Майерс Дж. Дж., Аакер Д.А. Рекламный менеджмент: Пер. с англ. - М.: Вильямс, 1999. - 784 с.
3. Борисов Б. Л. Технологии рекламы и ПР. - М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. - 624 с.
4. Федотова Л.Н. Социология рекламной деятельности. – М.: Гардарики, 2002. – 272 с.
5. Эргашхўжаева Ш.Ж. Инновацион маркетинг. Дарслик. – Т.: Чўлпон, 2014.
6. Ученова В. В., Старых Н. В. История рекламы, или Метаморфозы рекламного образа. - М.: ЮНИТИ-Дана, 1999. – С. 93.
7. Эргашхўжаева Ш.Ж. Стратегик маркетинг. Дарслик. – Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти», 2014. 223-б.

**УДК: 348.344.27**

## МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЗАНЯТОСТИ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ

### PROVIDING THE EMPLOYMENT OF LABOUR RESOURCES

**Бердимуродов У.С. (ассистент ТИКХМИ)**

Мақолада қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларини бандлиги билан боғлиқ муаммолар кўрилган. Қишлоқ жойларида ижтимоий ва демографик жараённинг мураккаблиги очиб берилган. Меҳнат ресурсларини қишлоқ хўжалигига бандлигини таъминлаш, фермер хўжалигини бошқаруви хусусиятлари ва бандликни таъминлаш мұхити асослаб берилган.

**Калим сўзлар:** меҳнат ресурслари, бандлик, фойдаланиши, ижтимоий тармоқ, инновация, бошқарув сиёсати, разбатлантириши, ҳаражатлар, фойда, мұхит, шилаб чиқарии, истиқболлаш.

*В статье рассмотрены проблемы занятости трудовых ресурсов в сельской местности. Раскрыты социальные и демографические сложности*

сельской местности, особенности управления фермерских хозяйств и обеспечение их занятости. Обосновано обеспечение занятости трудовых ресурсов в сельском хозяйстве.

**Ключевые слова:** трудовые ресурсы, занятость, использование социальный, отрасли, инновация, управление политики, стимулирование затраты, прибыль, условие, производство, прогнозирование.

В статье рассмотрены проблемы занятости трудовых ресурсов сельской местности. Раскрыты социальные и демографические сложности сельской местности, особенности управления фермерских хозяйств и обеспечение их занятости. Обосновано обеспечение занятости трудовых ресурсов в сельском хозяйстве.

**Ключевые слова:** трудовые ресурсы, занятость, использование социальный, отрасли, инновация, управление политики, стимулирование затраты, прибыль, условие, производство, прогнозирование.

*It's looked through the problem of employment of labour resources in country sites. Are discovered. Social and demographic complexity in country sites, peculiarities in controlling of privately owned farms and provision them on good security. Based their arguments in fact of provision of labour resources in country sites.*

**Keywords:** labour resources, employment, use, social, branches, innovation, controlling policy, stimulating, expenditures, profit, condition, production, forecasting.

Мехнат ресурслари бандлигини таъминлашда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш билан боғлиқ бўлиши билан бирга унга зарур бўлган инфратузилмаларни талаб даражасида шакллантириш, қишлоқ жойларида нодавлат корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкилий ва молиявий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш даражасига боғлик.

Қишлоқ хўжалиги тармокларида бозор талаблари қонунларига риоя қиласидиган фермер, дехқон ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни рақобатдош бўлишлари инновация ютуқларидан фойдаланиш ва прогрессив агротехнологияларни қўллашлари хисобига меҳнат унумдорлигининг ўсиши бу тармокда меҳнат ресурсларининг талабга нисбатан ортиқчалигини юзага келтиради.

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги тармокларини ривожлантириш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларини истиқболлаштириш асосида улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш зарур.

Кишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун зарур бўлган кучларини аниқлаш, уларнинг ўсиб боришини таъминлаш содиётнинг бошқа тармоқларидан тубдан фарқ қилиш сабаблари таңган ва улар қуидагилардан иборат: қишлоқ жойларида ижтимоий ва монографик жараённинг мураккаблиги; қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланишда иқтисодиётни бошқа тармоқлар билан биреклиги; қишлоқ ишлаб чиқаришини турли мулк шаклларига ташкилиши; фермер ва дехқон хўжаликларида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги тафовутлар уларнинг ҳисоботларини ягона ҳисобот талабларига жавоб бермаслиги; иқтисодий минтақаларда ахолининг таълашуви хусусиятлари уларнинг миқдорлари, таркибий тузилиши, ёши, тарнинг касбий малакавий даражаларидағи фарқлар; ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқларининг жойлашувида ва инновацион янгиликлардан фойдаланишдаги тафовутлардан иборат.


Кишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат ресурсларини таъмиллаштириш, меҳнат самарадорлигини ошириш меҳнат ресурсларини ташкил этиш стратегиясига асосланиши лозим. У хўжаликларда протехнологик тадбирларни сифатли бажарилишини таъминлаш учун меҳнат ресурсларини ихтисослик йўналишидаги фаолиятларини таътиришига асосланиши керак. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурслари сиёсати туман, вилоят, иқтисодий минтақаларда ишлаб чиқариш, хизмат турсатиши фаолиятларини олиб бораётган хўжаликларининг қабул ташётган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш сиёсатлари билан борекликда олиб боришда қуидагиларга эътибор бериш зарур: меҳнат ресурсларидан қишлоқ хўжалиги тармоқларида фойдаланиш сиёсати қишлоқ хўжалиги корхоналарини стратегик ривожланиш билан бореклигига; ишлаб чиқаришни ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни истиқболлаштиришига; меҳнатни мотивациялаштириши бозор талаблари қонуниятларига асосланишига; ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурслари ўртасидаги ва раҳбарлар билан бўладиган муносабатларни таъмиллаштириш бозор қонуниятлари асосида амалга оширилиши лозим.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги ёндашув меҳнат ресурсларига ёндашув умумий ёндашув шаклида эмас, балки ҳар бир қишлоқ хўжалиги таҳдимиға якка ҳолатда ёндашувни талаб этади.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шакллари бўлган фермер ва дехқон хўжаликларида меҳнат ресурсларини бошқарув ва уларнинг бандлигини таъминлашда (1-расм)да қуидагиларга эътибор бериш зарур.

Кишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат ресурслари бандлигини таъминлашда ташқи муҳитда меҳнат бозори, давлат ва махаллий хокимият шуассасалари билан ўзаро муносабатларни ташкил этишга ва уни

ижтимоий-иктисодий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боришга боғлиқ бўлса, ички муҳитда ишлаб чиқариш хўжаликлари бўлган фермер, дехқон қишлоқ хўжалиги фаолиятини оширувчи ташкилотлар ва ўзларининг ходимлари билан бўлган муносабатларини яхшилашга, уларнинг касбий маҳоратларини оширишга зарур талаб даражасида ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иктисодий инфратузилмаларни талабга монан такомиллаштириб бориш асосида меҳнат ресурслари учун зарур бўлган иш жойларини яратилишига ва меҳнат унумдорлигини ўсиб боришига, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эътиборни қаратишлари зарур.




*1-расм. Фермер ва дехқон хўжаликларида меҳнат ресурслари бандлигини таъминлаш*

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иктисодий натижалари факат меҳнатни ташкил этиш билан боғлиқ бўлмай, у табиий-иклим шароитига ҳам боғлиқ бўлиши билан бирга унда меҳнат тақсимотини саноат ишлаб чиқаришидаги нисбатан паст даражада бўлиши фойдаланилаётган жонли меҳнатнинг миқдори ва сифатини унинг якуний ишлаб чиқариш натижаларини ўзаро боғлиқлигини белгилаш мураккаб ҳисобланади. Чунки, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш жамоа шаклидаги шаклланган меҳнат ресурсларига асослангани учун ишчиларни моддий рағбатлантиришни ташкил этишда маълум кийинчиликларга олиб келади.

Ишлаб чиқариш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда меҳнат ресурсларини моддий рағбатлантириш билан бирга ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнат ресурслари фаолиятларини олиб боришни самарали бўлишни таъминлашда меҳнатни ташкил этишда маъмурият (2-расм)да ролини инкор этмаслигимиз керак.

Меҳнат ресурсларини бандлигини таъминлаш ишлаб чиқаришга инновацион янгиликларни жалб этиш орқали меҳнат унумдорлигини тенсив ўсиб боришини таъминлаш асосида фермер хўжаликларини радорлигини ўсиб боришини муқобил даражасига эришиш мумкин.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлашда энг асосий жиддий сабаблардан бири ишлаб чиқариш жараёнида олий малакали мутахассисларни ва раҳбарларни етарли даражада этишмаслиги таъланади. Мавжуд олий маълумотли бошқарув ходимлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари олган билимлари ҳозирги бозор иқтисодиёти таъбларига етарли даражада малакавий жиҳатдан жавоб берсаолмаслигидадир.



**2-расм. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланишини тақомиллаштири**

Хозирги шароитдаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш субъектлари, жумладан фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларини моддий рағбатлантириш ёки зарур бўлган ишлаб чиқариш хом-ашёси ва воситаларини сотиб олиш ҳолатига тўлиқ эга эмаслар. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш уларни қайта тайёрлаш бозор иқтисодиёти томонидан белгиланган талабларига тўлиқ жавоб


бермайды. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хұжалиги олий ўкув муассасалари ихтиёрида бўлган малака ошириш институтларини ўзида юқори малакали профессор-ўқитувчиларнинг етишмаслиги оқибатида хозирги бозор иқтисодиёти шароитида жағон қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришида мавжуд инновацион янгиликлардан ва уларнинг ютуқларидан фойдаланимаслигига олиб келмоқда. Юқорида келтирилган қишлоқ хұжалиги корхоналарида, шу жумладан фермер, дәхқон хұжаликларида салбий оқибатларни бартараф этиш учун биринчи асосий масалалардан бири бу қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариш хұжаликларида уларни меҳнат ресурсларига бўлган талабини ҳал этиш зарур. Ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни шундай фойдали усууларини топиш керакки, бу усуулар меҳнат ресурсларини фойдаланиш даражасини ўсиб боришини, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш асосида хұжаликларда меҳнат ресурслари ўргасидаги муносабатларни түғри ташкил этишни, меҳнат унумдорлигининг ўсишини, маҳсулот сифатини яхшиланишини ва унинг таннархини тушириш асосида олаётган даромадларини ўсиб боришини, таъминлаши лозим. Республикаиз иқтисодиётини ностандарт равишда турли мулкчилик шаклларига асосланган ҳолда ўсиб боришида саноат тармоқларида унинг ютуқларини англаш мумкин бўлган бир ҳолатда қишлоқ хұжалигида бозор иқтисодиёти асосида ривожланиш даражаси унинг талабларига жавоб бермаяпти десак хато қилмаган бўламиз. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хұжалиги субъектлари бўлган фермер ва дәхқон хұжаликлари ва қишлоқ хұжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларини ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнат ресурслари бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган даражада олиб боришлиари учун бозор иқтисодиётини ташкил топишининг хукукий ва иқтисодий томонларини чуқур ўрганиш билан бирга бозор талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнини таркибий ўзгариш механизмлари бўлган ердан фойдаланишни, ерга белгиланган нархларни ўзгариши унинг сабабларини билиш учун маркетинг тадқиқотларини олиб боришлиари, меҳнат қилишни мақбул тузилмаларини ва олий малакали мутахассисларни тайёрлаш зарур бўлган меҳнат ахли учун ижтимоий шарт-шароитлар яратишлари зарур.

Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариш субъектларини хукукий ҳолатларини таъминлаш билан бирга уларни солиққа тортиш, кредитлаштириш ва режалаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ҳам бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқкан ҳолда тартибга солиш зарур деб хисоблаймиз.

Ишлаб чиқариш фаолиятларини ташкил этиш ва олиб боришида хұжаликларни, жумладан янги инновацион техника ва технологияларини харид қилиб олишда, тижорат соҳаларида хорижий мамлакатлар билан

Иқтисодий алоқаларни ташкил этишда яқиндан ёрдам беришлари зарур деб хисоблаймиз.

Мехнат ресурсларини самарадорлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнининг асосий субъекти бўлган фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Фермер хўжалиги раҳбарларини ташкилотчилик, илмий ва малакавий даражалари катта аҳамиятга эга. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларини ва ишлаб чиқарishни самарали ташкил этиш учун фермер куйидаги (3-расм) хусусиятларга эга бўлиши керак.




### 3-расм. Фермернинг хўжалигини бошқарув хусусиятлари<sup>1</sup>

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш концепцияси хўжаликларнинг умумий мақсади ва уни бажарилишига, хўжаликларнинг аниқ мақсадларини эътиборга олган ҳолда меҳнат ресурсларини ишга жалб этиш сиёсатига амал қилишга, хўжаликлар манфаатларини меҳнат ресурслари манфаатларига мос келишига жавоб бериши керак.

Кишлоқ хўжалигига меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишда ишлаб чиқарish хўжалик шакллари бўлган фермер, дехқон, за кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни тадбиркорлик фаолиятларини оширишга, ишлаб чиқарishни иқтисодий самарадорлигини муқобил равишда ўсиб боришига, янги қишлоқ хўжалиги экин навлари ва серхосил чорва моллари асосида чорвачиликни ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини оширишга эътиборларини қартишлари лозим. Кишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ хўжалиги

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжаликларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш сиёсатида (4-расм)да қўйидагиларга эътибор бериш зарур:




#### 4-расм. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш сиёсати

- меҳнат ресурслари сиёсатини умумий талабларини, мақсадларини ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишига;
- меҳнат ресурслари бўйича зарур бўлган маълумотларга эга бўлиш, яъни ахборотлар билан таъминланишига;
- молиявий сиёсатга, меҳнат ресурсларини суғурталанишни ташкил этишини амалга оширишига;
- меҳнат ресурсларини ривожлантириш сиёсати асосида ходимлар билан ишлаш, уларни касбий меҳнатларга йўналтириш, меҳнатни ташкил этиши, бажариш даражаларидан келиб чиқсан ҳолда лавозимлар бўйича ўсишини таъминлаш сиёсатларига асосланиши мақсадга тўғри бўлади.

Кишлоқ хўжалигини самарали ривожланиши унинг тармокларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ эканлигидан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий рағбатлантириш механизмидан иш ўринларини ташкил этувчи, меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини таъминловчи, иш берувчи мулқдорлар фаолиятларини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришни ҳам бозор талабларидан келиб чиқсан ҳолда амалга

шириш зарур. Қишлоқ жойларидаги мәннат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда мәннат ресурсларини тарнсформациялаш шартта ахамиятта эга, яғни асосий қишлоқ хұжалиги тармоқлари талабларига мүносабатан ортиқча мәннат ресурсларидан фойдаланишни ташкил этишда уларни иккиламчи бандлигини таъминлаш асосида амалга ошириш керак. Бу шаммони хал этилиши мәннат ресурсларини мавсумий бандлиги шаммосини хал этиш мүмкін. Ёшларни эса қишлоқ жойларida фақат қишлоқ хұжалиги тармоқлари учун зарур бўлган касблар бўйича эмас балки саноат тармоқлари ва ноишлаб чиқариш тармоқлари бўйича малакали касбий ходимларни касб хунар коллежларида тайёрлаш мақсадга тўғри бўлади. Қишлоқ хұжалиги тармоқларида мәннат ресурслари бандлигини таъминлаш учун ортиқча мәннат ресурсларини қишлоқ хұжалиги махсулотларини саноат асосида қайта ишлаб чиқариш соҳаларида фойдаланишга ихтиослаштириш зарур. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариш тармоқларида ишсизликни олдини олишда (5-расм)да қуйидагиларга зтибор бериш лозим.



**5-расм. Қишлоқ хұжалигда ишсизликни олдини олиш**

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хұжалиги тармоқларида мәннат ресурслари бандлигини ва улардан самарали фойдаланиш учун мәннат ресурсларига бўлган талабларни истиқболлаштириш зарур.

Мәннат ресурсларига бўлган талабни истиқболлаштиришда биринчидан мәннатга яроқли бўлган қишлоқ аҳолисини ташкил этган эркак ва аёлларни таъминлаш зарур. Иккинчидан эса ўсиб келаётган ёш эркак, аёлларни ҳисобга олиш асосида келажакда қишлоқ хұжалиги тармоқлари учун зарур бўлган мәннат ресурсларини аниқлаш мүмкін.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига бўлган талаб асосан меҳнатга яроқли бўлган аҳоли қисмини ўсиш даражасида амалга оишрилиши меҳнат ёшига етмаган ёшларни меҳнатга жалб қилишни камайтиришга асосланиши керак. Истиқболда қишлоқ хўжалигига меҳнат ресурсларига бўлган республика бўйича талаб (1-жадвал)да келтирилган.

**Қишлоқ хўжалигига меҳнат ресурсларига бўлган талабни  
истиқболлаштириши<sup>1</sup>**

**1-жадвал**

Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига банд бўлганлар сони, минг киши хисобида	3052,9	3126,8	3239,4	3330,0	3369,0	3436,8	3505,5	3572,9	3575,1	3647,1	3720,0	3794,0
Фермер хўжалигига банд бўлганлар сони, минг киши хисобида	1521,6	1338,9	1360,5	1349,0	1357,4	1404,9	1454,7	1505,6	1558,3	1612,8	1669,2	1721,6
Дехқон хўжалигига банд бўлганлар сони, минг киши хисобида	1531,3	1787,9	1878,9	1981,0	2011,6	2031,9	2050,8	2056,6	2070,3	2034,3	2050,8	2070,4

Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларини бандлиги бўйича (1- жадвал)да келтирилган статистик маълумотлар бўйича 2014-2020 йиллар ичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган меҳнат ресурслари 10,4 фоизга кўпайиб 3794,0 минг кишини ташкил этса, фермер хўжаликларида шу давр ичида банд бўлган меҳнат ресурслари 1404,9 мингдан 1721,6 минг кишига ёки 23,0 фоизга кўпаяди, дехқон хўжаликларида банд бўлган меҳнат ресурслари шу давр ичида 1,9 фоизга кўпаяди. Дехқон хўжаликларида банд бўлган меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалиги тармокларида банд бўлган меҳнат ресурсларини 45,5 фоизини ташкил этган, қолган 55,5 фоизи фермер хўжаликларида банд бўлганларни ташкил этади.

Меҳнат ресурслари бандлигини истиқболлаштиришда йиллар бўйича ўртача арифметик ўсиш услуби асосида истиқболлаштиридик. Қишлоқ хўжалигига 2014-2020 йиллар ичида қишлоқ хўжалигига банд бўлган меҳнат ресурслари ўртача йиллик ўсиши 6,3 фоизни, фермер хўжаликларида банд бўлганлар ўртача йиллик ўсиши 3,3 ва дехқон хўжаликларида бу кўрсаткич ўртача йиллик ўсиши 3,0 фоизни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига 2025 йилга келиб ўртача банд бўлганлар 3858,5 минг кишини, фермер хўжаликларида 1756,9 минг кишини ва дехқон хўжаликларида эса 2101,6 минг кишини ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, экин экиласидаги майдонларнинг чекланганлигидан келиб чиқсан холда ортиқча меҳнат ресурсларидан фойдаланиш учун

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги прогнозлаштириш ва макронқисодий тадқикотлар институти маълумотлари асосида тузилган. Тошкент-2013. 39-53 бетлар.